



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 231 (7972).

4 декабрь, 1982 йил

ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

Ю. В. АНДРОПОВ ИОРДАНИЯ ҚИРОЛИ ХУСАЙН БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов 2 декабрь кунини Кремлда Иордания қироли Хусайн Бин Талални қабул қилди. У олий даражадаги умумараб кенгашининг қарорига мувофиқ тузилган «еттилар комитети» делегациясига бош бўлиб Москвага келган эди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Снесья бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар вазирлиги А. А. Громико қатнашди.

Дўстона-руҳда ўтган суҳбат чоғида асосан Совет Иттифоқи билан Иордания ўртасидаги икки томонлама муносабат масалалари муҳокама қилинди. Нақала томон мана шу муносабатларнинг ҳолатидан мамнуният изҳор этиб, ўзаро муносабатларини янада ҳар томонлама ривож-

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш юзасидан олдинги социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисидаги хушхабар КПСС Марказий Комитетида зур мамнуният билан қутиб олинди.

Меҳнатдаги бу ажойиб ғалаба бениҳоя мураккаб об-ҳаво шароитида қўлга киритилди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу йил ҳосил учун курашда чинакам фидокорлик ва мардлик кўрсатдилар, уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олдилар ва тайёрлов пунктларида 6 миллион тоннадан кўпроқ, яъни планда белгиланганига нисбатан 110 минг тонна ортиқ пахта етказиб бердилар. Республикада пахтанинг энг қимматли илгичка толали навларини етиштириш йил сайин кўпайиб бораётганлиги қувончлидир. Бу йил колхоз ва совхозлардан 462 минг тонна мана шундай юқори сифатли хом ашё олинди, бу — беш йиллик

охирига планлаштирилган даражадан ортиқдир.

Ҳосил теримида шаҳарлар ва посёлкаларнинг ишчи ҳамда хизматчилари, ўқувчи ёшлар деҳқонлар билан ёнма-ён туриб юксак оғиллик билан виждонан меҳнат қилдилар.

Ўзбекистоннинг олти миллион тонна пахтаси шонли юбилей—СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида Ватанга қилинган муносиб совғадир. Эришилган муваффақиятлар — КПСС аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилётганлигининг, пахтакорлар маҳорати ўсганлигининг, қишлоқ хўжалиги, тайёрлов ва транспорт корхоналари пухта ишлаганлигининг, республика партия ташкилоти зўр ва собитқалам ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий иш олиб борганлигининг натижасидир.

КПСС Марказий Комитети колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги ва сув

хўжалиги раҳбарлари ҳамда мутахассисларига, олимларга, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларига, қишлоқ ва шаҳарларнинг барча меҳнатчиларига, катта пахта хирмони учун курашда актив ва фидокорона қатнашган ҳамма кишиларга астойдил миннатдорчилик изҳор этади.

КПСС Марказий Комитети комил ишонч билдириб айтадики, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва бутун аграр саноат комплексининг меҳнаткашлари дала ва фермалар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ва сифатини ошириш учун янги-янги резервлар ҳамда имкониятларни ишга соладилар, беш йилликнинг учинчи йили планларини ошириб бажардилар, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

6.000.000



ЮБИЛЕЙГА АРМУҒОН

КОММУНИСТИК
ШАНБАЛИК ОЛДИДАН

МАЖБУРИЯТДАГИ САТР

Ўзбекбиролашув Тошкент савдо ускуналари заводининг ишчилари шахсий мажбуриятларига яна бир сатрни ёзиб қўйдилар. 18 декабрдаги мазра белгилла қўйилди. Коллектив «Қизил шанба-ликда» катта режаларини амалга оширди. Коммунистлардан йигирма дурдор Муроджон Қосимов, чех илгичда транспорт ходимлари смена тоширигини 150 процент бажармо меҳнат олам-ини нишонлашга қарор қилдилар.

Шу кунни қишлоқ универмаги учун пландан ташқари савдо ускуналари комплексини яна қуришди, 20 минг сўмлик турли анжомлар тайёрланади. (ЎзТАГ мухбири).

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида СССР Журналистлар союзининг вазифаларига бағишланиб, 2 декабрь кунини Москвада Журналистлар союзи правление-си секретариатининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди.

Правление раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев доклад қилди. Докладчин ва музокарадорларда сўзга чиққан журналистлар КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқидаги қондалар ва хулосаларга амал қилиб, бутун куч-ғайратини мамлакат социал-иқтисодий ривожининг конкрет масалаларига қаратишлари лозимлигини ижодий союзининг барча аъзолари номидан таъкидладилар. Аввало халқ хўжалигини интенсификация ва унинг самардорлигини ошириш, Осиё-оқват программасини, рўёбга чиқариш, фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, илгор таърибни оммалаштириш, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат иштиозини мустаҳкамлаш мана шу масалалар жумласига кирди.

Қарорда мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми материалларидан келиб чиқадиган конкрет вазифаларни белгилادилар.

(ТАСС).

Бригада усули—сифатга кафолот

БУНДАН бирнеча йил муқаддам пахта ҳосилини бригада бўйича қабул қилиш усули дастлаб жорий этилганда мен пахта қабул қилиш пунктида мудири бўлиб ишлар эдим. Бу янги усул биринчи йиллик ўзининг қатор афзалликлари билан жуда катта самара беришини амалда кўрсатди.

Илгари райондаги хўжаликларда етиштирилган пахта қабул пунктларида колхозлар ва совхозлар бўйича умумий йўсинда қабул қилиб олинуваради. Натискада хўжаликдаги барча бригадалар ўзлари етиштирган ҳосилнинг инфослиги ва намлик даражаси учун баббаравар моллий манфаатдор бўларди. Яъни, терим жараёнида дала-партичликка йўл қўйиб, ҳосилни илгичда инфос олиштириб олган бригада ҳам, ва аксинча, сийдиклидан меҳнат қилиб, терим давомида ҳам алоҳида йонбозлик кўрсатиб фидокорона ишлаган, ҳосилни илгичда курув ва тоза териб топиширган бригада коллектив ҳам баббаравар ҳақ олишарди.

Пахтани бригадалар бўйича қабул қилиб олиш мана шундай тенгсизликка чек қўйди. Яъни, ҳар бир бригада, унинг ҳар бир аъзоси ўзининг меҳнатига, вазифаси-

га сийдиклидан муносабатига қараб ҳақ оладиган бўлди. Гап шундаки, бригада бўйича ҳосил қабул қилинганида, пахтасининг инфослиги даражаси энг кам бўлган коллективларга одатдаги тўланган ҳаққа қўшимча равишда устам ҳақ тўланади. Биз ҳозир тўла равишда мана шу усулга ўтдик.

Бу йил, ҳозиргача районингиздаги хўжаликларда етиштирилган ҳосилдан 22 минг 270 тонна «оқ олтин»ни бригадалар бўйича қабул қилиб олдик. Акмал Икромов номли, «Ичкилоб» қабул пунктлари ва завод ҳузуридаги қабул пунктида бу ҳосилнинг ҳаммаси сифатли сақланганига ҳолатга, келтириб қўйилди. Кейинги пайтларда ҳам қабул қилиш давом этди ва барча пунктларда қўриқтиш барибанинги ишлаб турди. Иш ҳамон уч еменда олиб боришмоқда. Ҳар кунини «Ичкилоб» пунктида 150 тонна. Акмал Икромов номли пунктда 100 тонна ва завод ҳузуридаги пунктда ҳам 100 тонна пахта қўриқтиди.

Бу йилги йигирма-терим мавсумини юксак уюшқоқлик билан ўтказишда «Ичкилоб» қабул пунктнинг мудири

Эшон ака Аҳоров, механик Митхат Бегимкулов, электрик Эгамкул Хожимкуловларнинг хизмати салмоқли бўлди. Улар ҳозирги кунларда ҳам зиммаларидан топиширилган муштасам ошириб адо этишмоқда.

Ҳосилни бригада бўйича қабул қилишда бу йил Навоий номи колхоздан Суён Абдуллоев, «Победа» колхозидан Курбон Иброҳимов бошлиқ пахтакор коллективлар юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар ҳосилни энг юксак сифат билан топиширди.

Мавсум давомида пахта-нинг инфослигини 5—12 процентгача топиширган бригадаларга ҳар бир тонна ҳосил учун қўшимча 10 сўм, 5 процентдан кам ҳолатда топиширган бригадаларга эса 15 сўм устам ҳақ тўланди. Шу усулда бригадалар жами 151 минг сўмлик устам ҳақ олишди. Қўриқтиш турибдики, бригада бўйича қабул қилиш ҳам бригада аъзолари учун, ҳам давлат учун манфаатлидир. Чунки, сифатли ҳосил топиширишдан манфаатдор бўлган ҳар бир коллектив бунга бефарқ қарамайди...

Р. СИРОЖИДИНОВ,
Бекобод пахта тозалаш заводининг директори.

Пискент райониданги бир группа меҳнат ва уруш ветеранлари йигирма-термининг энг долзарб палласида пахтакорларга мададкор бўлиш ташаббуси билан чиқишган эди. Жўмладан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасим-поллов Қодиров, шахсий пенсионер Чингуллат Абдуллаев, Охунбобоев номи колхозининг собиқ раиси Ҳамроқул Абдуқулов сингари отахонлар биринчилар қатори далага отланишганди.

ТАШАБУСКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Мурожаатга жавобан об-ластимизнинг шаҳар-қишлоқларида истиқомат қилаётган отахон ва онахонлардан 8 минг нафарни республика инфос-нинг улки «оқ олтин» хир-монига ўз хиссаларини қўй-дилар. Жўмладан пискентлик ташаббускорлар 100 тонна-дан зиёд пахта териб бериш-ди.

Пискентлик ветеранлар-нинг ватанпарварлик ташаб-буси ва меҳнати муносиб тақдирланди. Улардан 10 ки-ши област касаба союзлари Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдир-ланди. Дам олиш уйлари ва савҳатлар учун 10 та бе-пил йўлланма, пул ва бошқа қимматбод мунофотлар бе-рилди.

Б. АХМЕДОВ.

ТАЪЗИМ

Ҳар кун ҳаляю-ла кўз очиб саҳар. Ой аркин тарк этиб қилгунча сафар. Самога боқман кўнглимни хушлаб. Кун қўсини кутаман жоним ҳовучлаб. Осмон довоқ уйса бўлман хуноб. Гар қулиб қараса, дил мисди офтоб. Қўнғил қўзғусида мавиланур шу дам. Бир жаннат мисоли, саҳий, бой ўлкам. Унда ҳар кунин тўй, қунора меҳмон. Меҳмон келган уйда кут қўп бегумон. Олтин тўй, қиз туши, ҳовли тўйларда. Дастурхон тузалар куча-қўйларда. Қайноча ҳам уйда кутмайин иззат. Қийиқда нон элтиб қилади хизмат. Қайноча қўриқмас уйининг тўрида. Жўхори пиширар олов қўрида. Кенг карвон йўлидан чол борар аста. Томирли қўлида хивичдан ҳасса. Тукилган пахтани солиб этакка. Карвон қўзғатади ота бекатга. Қўнғилдан ўтганда ширин ҳавелар. Вобо ўзига берад турли саволлар. Наздида келишни рағбти сипиққан. Чол туштур бу гапни кампирдан ўққан. Иштиҳаси йўқини, касалдек андан. Нон ўрнига нукул елди данак. Қўзлари қирғайиб қолгандек тўз. Енги озуғим бўлдимини рўз...

Мангани егиси келгандир балки. Илгари ёш бўлган—кампир сингари. Ҳаёт-ла борар чол тезлатиб қадам. Пахтакор бўлади деб, набирам ҳам. У аяни тушдида хирмонга етди. Иссиқ маккасини келинга тутди. Букун то саҳардан кечки паллага. Ҳар битта онла қўнғил далага. Ким кимдан ўзарга теришар қилар. Қўл қўлга тегмайди, йўқ ҳазил сўзлар. Ингитлар дил сўз чиқмайин тилга. Меҳнат майдонидан тенг бўлиб филга. Гоҳо чирок ёниб теришар тунда. Бир-бирдан ўзларга теришар кунда. Оқ олтинни қўйлаб, ўлкамиз бўйлаб. Сафарга йўл олдим, марраини ўйлаб. Карвоннинг бошида моҳир Бухоро. Дуйёга таралган Самарқанд аро. Кўз ўнгимда қолиб байроғини тутиб. Шаҳарлар бирма-бир боришар тўтиб. Ватанга тўғна йўллаб музаффар. План юз бўлди деб берганда хабар. Улутвор шатиништа этиб энинг таъзим. Мен ҳам пахтакор деб атайман ўзим.

НИЛУФАР.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН

ЧИНОЗ райониданги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Фикрет Сефершоев бошчилик қилаётган бригада заршунослари етиштирилган ҳосилни нес-

нубуд қилмай йиғиншти-риб олиб, эндиликда кел-гуси йил ҳосили учун пухта замин яратмоқдалар. Бригада аҳли ҳосилдан бўшаган ерларга минерал

ва маҳаллий ўғитлар солиш-ди, механизаторлар эса шуд-горлаш ишларида пешқа-дамлик қилишмоқда. Шу кунгача далага 300 тоннадан ортиқ маҳаллий ва минерал ўғитлар олиб чи-қилди.

Г. МАМБЕТОВА.



ШУДГОРЛАШ

ҚИЗГИН

Ўрта Чирчиқ райониданги Ким Пен Ха номи кол-хозда ҳосилдан бўшаган ер-ларни шудгорлаш қизгин давом этаётир. Механизатор Эрман Омонов ҳар кун-ни 6—7 гектар майдонини сифатли ҳайдамоқда. Сурат-ларда: хўжалиқнинг У. Ота-кулов бошлиқ бригадда дала-ларида шудгорлаш пайти; плутчи С. Бобобоев ва тракторчи Е. Омоновлар.

В. Портнов фотолари.



Хелен Хаградова иш устида. ЧТК — ТАСС фотоси.



● ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Гарбий Словакиядаги Штуро-
да юлбажланг чиллолзода доғоз сановат қорхонаси за-
уодатларини қайта ишлайдиган энг йирик қорхона-
ни. Қоғирда бу ерда 120 минг тонна хом ашё қайта иш-
лимоқда. Яқин орада қорхонанинг қуввати янада орти-
60 минг тоннага етади.

Суратда: қорхонанинг энг яқин ишчиларидан бири
Селен Хаградова иш устида. ЧТК — ТАСС фотоси.

